

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – ХУҚУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

Эгамбердиева Гўзал Мадияровна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Тилларни ўрганиш кафедраси профессори,

филология фанлари номзоди

Аннотация: Уш бу мақолада Янги Конституцияга киритилган асосий ўзгаришлар ёритилган.

Калит сўзлар: Янги Конституция, ҳуқуқ, демократик давлат, қонун лойиҳаси, модда, комус, референдум.

Ўзбекистон суверен, демократик давлат сифатида жадал ривожланиб, жаҳон аренада ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Конституциясига киритилган сўнгги ўзгартиришлар ўзбек давлатчилиги ва жамиятини шакллантириш ва модернизатсия қилиш йўлида салмоқли қадам қўйилиб, жаҳон стандартларига мос, миллий манфаатларимизни ифода этган, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини янада ҳимоя қилишга қаратилган Янги Конституция референдум орқали қабул қилинди.

Янги конституция лойиҳасити тайёрлашда депутатлар жамоатчилик томонидан юборилган 200 мингдан ортиқ таклифларнинг ҳар бирини синчиклаб ўрганиб чиқишди, бунда халқаро тажриба ҳам инобатга олиниб, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Бир неча ой давом этган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасининг якуний таҳрири тайёрланиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат бошқаруви соҳаларига оид ўта муҳим ўзгаришлар акс этгани сабабли қонун лойиҳасини референдумга қўйишдан аввал депутатлар қонунчилик ташаббусига эга субъектлар билан маслаҳатлашувлар ўтказди. Шунингдек, якуний лойиҳа Конституциявий суд томонидан алоҳида кўриб чиқилиб, ижобий хулоса берилди.

Янгиланиш натижасида, бош комусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

Янги Конституцияда кўплаб ўзгаришлар билан бир қаторда қуйидаги асосий ўзгаришларни санаб ўтиш мумкин:

Конституциянинг 1-моддасидаги “�збекистон – суверен демократик республика” жумласи “�збекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.

Бошқарувнинг республика шакли – давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланишини англатади” - деб ўзгартирилмоқда.

Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига курилади, давлат хизматчиларидан барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда.

Дунёвий давлат шаклига кўра, давлат ва дин бир-биридан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил муносабатда бўлади, динга оид масалаларда нейтрал позицияни эгаллайди.

Конституциянинг 15-моддасига қўйидагича қўшимча қўшилди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга мурожаат қилишга имкон беради.

Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт деб белгиланди.

Бу билан конституциянинг амалда ишламай келган нормаларидан бири реал воқеликка мослаштирилмоқда. Амалиёт шундайки, турли жабҳалардаги имтиёз ва преференциялар нафақат қонунлар асосида, балки кўп ҳолатларда қонуности ҳужжатлар – қарор ва фармонлар асосида бериб келиняпти.

Барча ноаниқликлар – инсон фойдасига.

Янги таҳрирга кўра, Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Эндиликда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик ўтган тақдирда, масалан пенсия тайинлашда тегишли

хужжатлар базадан топилмай, ноаниқлик юзага келганида ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши керак.

Конституцияга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. У икки банддан иборат:

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Шу тариқа, устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Конституцияда номи келтирилган ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси – ҳуқуқ соҳаси вакиллари (судялар, прокурорлар ва адвокатлар). Бошқа ҳолатларда касб эгалари эмас, соҳалар ҳақида гап кетган (масалан, оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари).

Президентнинг ваколат муддати 7 йил бўлди

Президентнинг ваколат муддати 5 йилдан 7 йилга узайтирилди. Президентнинг “давлат бошлиғи” мақоми, айтиб ўтиш керак, бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмаслиги, президентнинг қасамёди матни ва президентга тааллуқли бошқа аксарият нормалар ўзгаришсиз қолдирилди. Маълумот учун, президентнинг ваколат муддати

Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга туширилади. 14 та ҳудуддан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади, президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқаради. Бу ўзгариш 2024 йилда бўладиган парламент сайлови вақтида кучга киради. Қонунчилик палатаси депутатлари сонини (150 нафар) оширмасликка, ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилинди.

Бош вазирни тайинлаш ва унга ишончсизлик вотуми билдиришда Сенатнинг иштироки бекор қилинди. Эндиликда бунинг учун депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овоз бериши етарли. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш ҳам қуйи палатанинг ваколатига ўтказилди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоларини истеъфога чиқариш тўғрисида президентга таклиф киритиш ваколатига эга бўлди.

Янги Конституция қабул қилинганидан сўнг, Янги Ўзбекистон – янгиланаётган Конституция» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро форумда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Корея, Хитой, Туркия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Словения, Польша, Гуржистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатлардан етакчи сиёсатчилар, давлат арбоблари, экспертлар ва олимлар иштирок этдилар. Бундан ташқари БМТ, БМТ ТД, ЕИ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг бир қатор вакиллари иштирокида конституциявий янгиликлар муҳокама қилиниб, ижобий муносабат билдирилди.

Ҳаётимиз қомуси – Янги Конституциямиз мустақиллик даврида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва ҳамда келгусида давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, ўзбек жамиятини шакллантириш ва модернизатсия қилишда муҳим рол ўйнайди деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ.
https://constitution.uz/uploads/constitution_uz.pdf
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция куні муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриғи. <https://m.kun.uz/news/2022/12/07/prezident-shavkat-mirziyoyev-konstitutsiya-kuni-munosabati-bilan-ozbekiston-xalqiga-bayram-tabrigi-yolladi>
3. Янги тахрирдағи Конституция 1 майдан кучга кирди.
<https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/01/decree/>
4. Egamberdieva G. M. Funkcii epitetov v «Lesnoj kapeli» MM Prishvina. XIV VINOGRADOVSKIE CHTENIYA (Tashkent, 16 maya 2018 goda). Sbornik nauchnyh trudov Mezhdunarodnoj nauchno-prakticheskoy konferencii.– Ekaterinburg: Ural'skij gosudarstvennyj ekonomicheskij universitet. 2018.–S. 101-104 //XVI Виноградовские чтения.-Екатеринбург-Ташкент. – 2020. – С. 135-138.
5. Sheremetyeva A. et al. Word-Forming Bases and their Variability (on the Material of the Russian language) //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 2. – С. 338-349.
6. Умарова Ф. 3. КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 28. – С. 429-434.